Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 9 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 28 (13.091)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Аъло Абдуллаев олган сурат

Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллиги

АЖАБ САОДАТ ЭРУР ЧИҚСА ЯХШИЛИК БИЛА ОТ

Мамлакатимизда Алишер Навоий таваллуд топган кунни байрам сифатида нишонлаш яхши анъанага айланган. Бу йил улуғ шоирнинг 575 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида 9 февраль куни улуғ бобокалонимиз таваллудининг 575 йиллигига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, ижодий уюшмалар ва жамоат ташкилотлари вакиллари, навоийшунос олимлар, адиб ва шоирлар, маънавият тарғиботчилари, маҳалла фаоллари, ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, Бобур номидаги халқаро жамоат фонди ва илмий экспедицияси раҳбари З.Машрабов, Франциянинг мамлакатимиздаги элчихонаси вакили М.Галланд, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист О.Галахов ва бошқалар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида алломаларимизнинг бебаҳо илмий, бадиий, маърифий меросини ўрганиш, ёшларни баркамол, ватанпарвар, фидойи инсонлар этиб тарбиялашда кенг фойдаланиш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Алишер Навоий мероси – бетакрорлиги, тарбиявий аҳамияти, инсонийлиги, ибратли жиҳати билан бутун инсоният учун қадрли. Мустақиллик шарофати билан буюк мутафаккир ижодини чуқур ўрганиш, асарларида тараннум этилган эзгу ғояларнинг аҳамиятини тарғиб этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти томонидан улуғ шоирнинг 20 жилдлик "Мукаммал асарлар тўплами" ҳамда 10 жилдлик жамланмалари кирилл ва лотин алифболарида нашр этилгани адабиёт мухлислари учун бебаҳо туҳфа бўлди. Шоир ҳаёти, ижодининг барча қирралари қамраб олинган илмий асарлар, рисола ва монографиялар нашр этилиб, илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Алишер Навоий улуғлаган инсон камолоти, юрт ободлиги, яратувчанлик ва бунёдкорлик, тинчлик ва осойишталикни, халқлар, турли миллатлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни асрашга оид эзгу ғоялар юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самараларида ўз ифодасини топмоқда. Бобокалонимиз асарлари жаҳон миқёсида ўрганилиб, турли тилларга таржима этилмоқда.

Ўзбекистон халқ шоири С.Саййид буюк бобомизга бағишланган "...Навоий сўзидин бир ғазал" номли янги шеърини ўқиб берди.

Юртимизда таҳсил олаётган хорижлик талабалар, мумтоз ўзбек адабиёти бўйича изланаётган чет эллик тадқиқотчилар Алишер Навоий рубоийларидан намуналарни ўзбек тилида ўқиди. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артистлар Элмурод Аҳмедов ва Фурқат Ашуралиев ижросида улуғ бобомиз ғазали асосидаги қўшиқлар янгради. Шоир ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Ходиев қатнашди.

* * *

Шу куни пойтахтимиздаги Шоирлар хиёбонида ҳам улуғ мутафаккир таваллудига бағишланган маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари С.Саййид, навоийшунос олим, академик А.Қаюмов, Ўзбекистон халқ шоири М.Тойир ва бошқалар Навоий ижодининг умрбоқийлиги, жозибаси, илмий, тарбиявий аҳамияти ҳақида сўзлади.

Алишер Навоий асарларидан намуналар ўқилди. Навоий ғазаллари билан айтилувчи қўшиқлар мушоирага янада кўтаринкилик бағишлади.

Бундай тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ўтказилмоқда.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

"КАТТА ИЖТИМОИЙ МАСЪУЛИЯТ ТАРАҚҚИЁТНИНГ "ЎЗБЕК МОДЕЛИ"ДАГИ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТ ЭКАНЛИГИГА ЯНА БИР БОР АМИН БЎЛДИК"

Ўзбекистон Республикасининг Ригадаги элчихонасида мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда Латвия Сейми (Парламенти) депутатлари, ташқи ишлар ва иқтисодиёт вазирликлари, республиканинг илмий-академик, эксперт-таҳлил доиралари, нодавлат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда қатнашчилар давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг жорий йил январь ойида бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси мазмун-моҳияти билан яқиндан танишдилар.

Қайд этилганидек, Ўзбекистонда аҳолининг муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлаш ҳамда ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин эгаллаш мақсадида 2015 йили муҳим ислоҳотларни амалга ошириш йўлида салмоқли қадамлар ташланди. Шу билан бирга, ўтган йили тадбиркорликка кенг имтиёз ва преференциялар бериш, инвестициялар, аввало, чет эл инвестицияларини миқдорини кўпайтириш ҳамда жорий этиш иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини, унинг макроиқтисодий мутаносиблигини таъминлашга ижобий таъсир кўрсатгани алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, иштирокчилар мамлакатимизнинг 2016 йил учун мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишлари билан ҳам танишдилар.

"Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири брифинг қатнашчиларидан айримларининг фикрлари билан қизиқди.

Иванс КЛЕМЕНТЬЕВС, Латвия Сейми депутати, Ўзбекистон билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳ аъзоси:

— Ўзбекистоннинг 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришган ютуқлари ҳамда 2016 йилга мўлжалланган устувор вазифалари таҳсинга лойиқдир. Мамлакатда юритилаётган ижтимоий сиёсат самарадорлигини белгилайдиган асосий йўналишлардан бири ҳисобланадиган таълим ва тиббиёт соҳаларига давлат томонидан қаратилаётган эътибор менда алоҳида таассурот қолдирди.

Президент Ислом Каримовнинг маърузасида қайд этилганидек, 2016 йилда ижтимоий соҳага Давлат бюджети жами харажатларининг 59,1 фоизи ажратилади. Бу мамлакатнинг аҳоли фаровон турмуш кечиришини таъминлаш йўлида қатъий сиёсат юритаётганидан далолат беради.

Парламентлараро ҳамкорлик алоқалари, айниқса, ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўзаро тажриба алмашувлар бундан кейин ҳам изчил давом этиб, давлатларимиз равнақига хизмат қилади.

Инна СТЕЦЕНКО, Балтия Халқаро академияси проректори, профессор:

— Ўзбекистонда ёшлар таълим олишлари учун барча шарт-шароит яратилгани диққатга сазовордир. Бунга чин дилдан ҳавасим келади. Хусусан, республикангизнинг кадрлар тайёрлаш ва улар малакасини ошириш борасида эришаётган муваффақиятлари, таълим-тарбия йўналишида тўпланган бой тажрибаси биз учун қизиқарли ҳамда фойдалидир.

Президент Ислом Каримовнинг мамлакатни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маърузаси билан танишиб чиқар эканман, катта ижтимоий масъулият тараққиётнинг "ўзбек модели"даги ўзига хос жиҳат эканлигига яна бир бор амин бўлдик.

"Жаҳон" АА.
Рига

Инновациялар — ишлаб чиқаришга

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ САМАРАЛАРИ

Қишлоқ хўжалигида юқори ҳосилдорликни, озиқ-овқат хавфсизлигини бугун кимёвий ўғитларсиз тасаввур этиш мушкул. Мамлакатимизда жадал ривожланаётган автомобилсозлик, тўқимачилик, фармацевтика, косметика, электроника ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоқлари импорт ўрнини босадиган кимё маҳсулотларини кўпайтиришни тақозо қилмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида кимё саноатида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар бу талабни қондириш, маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотлар турини кўпайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти Инновация маркази раҳбари, техника фанлари доктори, профессор Абдулла ДАДАХЎЖАЕВ ЎзА мухбирига тармоқда инновацион ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар хусусида сўзлаб берди:

– Илм-фан ва ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасида йўлга қўйилган кооперацион алоқалар мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал ривожланишида муҳим ўрин тутмоқда. Инновация маркази ҳам кимё саноатининг ривожи учун долзарб илмий-амалий тадқиқотларни мувофиқлаштириш, илмий-текшириш институтларининг янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга оид таклифларини ўрганиб корхоналарга етказиш, инновацион лойиҳалар дастурларини тайёрлаш сингари вазифаларни бажариб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти, Ўсимлик моддалари кимёси институти, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари тизимидаги илмий-тадқиқот институтлари, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Полимерлар кимёси ва физикаси илмий-тадқиқот маркази, Тошкент кимё-технология институти, Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети билан ҳамкорлик йўлга қўйилган, тармоқ корхоналарида инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича бўлимлар ташкил этилган.

Ўтган даврда тармоқ корхоналарида йигирмага яқин турдаги янги оддий ва мураккаб минерал ўғитлар, қарийб ўттиз турдаги янги ноўғит кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Биргина 2015 йилда етти турдаги янги маҳсулотни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Президентимиз ташаббуси билан ҳар йили ўтказиб келинаётган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси илм-фан вакиллари ҳамда ишлаб чиқарувчилар ҳамкорлиги учун қулай майдон бўлаётир. Унда мамлакатимиз олимларининг тармоққа оид ишланмалари ўрганилиб, корхоналаримизнинг инновацион фаолияти намуналари кенг жамоатчиликка намойиш этилмоқда.

Ярмаркаларда "Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти корхоналари томонидан 69 янги лойиҳа бўйича шартномалар имзоланди. Уларнинг 37 таси тўла бажарилиб, импорт ўрнини босадиган, рақобатбардош бир неча янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда қолган лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш устида иш олиб борилмоқда.

Кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқариш турли хил катализатор ва реагентларнинг иштироки талаб этиладиган мураккаб жараён ҳисобланади. Ушбу маҳсулотлар нархи ҳамда сифати нафақат кимёвий, балки қишлоқ хўжалиги ҳамда саноат маҳсулотлари рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

(Давоми 2-бетда)

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижон давлат тиббиёт институтида инновацион ғоялар, технология ва лойиҳалар ярмаркаси бўлиб ўтди. Тадбир давомида "Энг фаол ёш илмий тадқиқотчи", "Энг фаол илмий тадқиқотчи аёл", "Энг оригинал лойиҳа муаллифи" сингари қатор номинациялар бўйича ғолиблар аниқланиб, диплом, сертификат ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

● Фарғона вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази замонавий "Philips Allura Clarity" русумли ангиография мажмуаси билан таъминланди. Шу муносабат билан ўтказилган тадбир доирасида юрак-қон томир касалликлари диагностикаси ва уни замонавий даволаш усуллари мавзусига бағишланган илмий-амалий анжуман ҳам бўлиб ўтди.

● Самарқандда жисмоний шахсларга тегишли кўчмас мулк объектларини хатловдан ўтказиш ва белгиланган тартибда расмийлаштириш ҳамда солиқ идораларига тақдим этиш масалаларига бағишланган ўқув-семинар ўтказилди. Унда туман ва шаҳарлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, ҳокимликлар юристлари, ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари ҳамда тегишли идоралар мутахассислари иштирок этди.

● Гулистон шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабида "Навоийни соғиниб" деб номланган адабий-бадиий кеча ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, Сирдарё вилояти ҳокимлиги, халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда олимлар, ёзувчи-шоирлар, ёшлар иштирок этди.

● Навоийда ўтказилган "Намунали милиция таянч пункти" кўрик-танловининг вилоят босқичида Хатирчи тумани "Саховат" қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 104-милиция таянч пункти биринчи ўринни эгаллаб, мамлакат босқичига йўлланма олди.

ЖАҲОНДА

● Ҳукуматнинг суғурта тизимини ислоҳ қилиш бўйича режаларига норозилик билдирган ҳолда грециялик журналистлар эртага 24 соатлик иш ташлашга қарор қилдилар.

● Жанубий Кореяга Сеулдаги Инчхон халқаро аэропорти орқали парвоз қилаётган сайёҳларга бепул смартфонлар тарқатиладиган бўлди.

● Хитой пойтахти Пекин шаҳрида ҳавонинг ифлосланиши жуда юқори даражага чиқди. Ҳозирда шаҳарни тутунсимон оқ қобиқ қоплаган, ҳавода куйинди ҳиди анқийди. Шаҳар ҳавосидаги зарарли майда заррачаларнинг йиғилиши даражаси Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан белгиланган меъёрдан 20 баравар юқори.

● Россиядаги кўплаб мактаблар анъанавий кундаликдан воз кечган ҳолда электрон кундаликдан фойдаланиш жараёнига ўтди.

● Франция супермаркетларга озиқ-овқат маҳсулотларини ташлаб юборишни қонунчилик даражасида тақиқлаган жаҳондаги биринчи мамлакат бўлди.



“Ҳайратул-аброр” достонининг ўн еттинчи мақолатида Алишер Навоий ҳазратлари инсон умри фасларини поэтик талқин этганлар. Йигитлик баҳорининг латофати фасллар гўзали баҳор билан қиёсланади. Инсон умрининг хазонрезги даври билан қариликка хос ҳолатлар куз фаслига нисбат бериб тасвирланади.

Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллиги

НУРЛИ МАНЗИЛЛАР

Китобхон инсон табиатнинг бир бўлаги эканлигини ҳис қилади. Табиатга хос ҳолатлар умр фасларига ниҳоятда ўхшаш. Фасллар рамзи бўлган ранглар: яшиллик — уйғониш, сарғайиш эса сўлғинлик, қарилик хазони маъноларини ифода этади. Бу мақолатда буюк сўз санъаткори табиат тасвирларини маҳорат ила чизиш орқали фалсафий маъноларга бой поэтик манзараларни жилолантиради: қуёш чиқиши, эрта баҳорги ёмғир, тонг шаббодасининг гўё фаррошлик қилиб “сув сепилган” боғни “супургани”, боғни гуллар атри тутгани; дарахт шохлари ёр чеҳрасига соч мисолдай, ёйилгани, ерни супурмоққа супурги бўлгани, шамол дарахтлар шохини ерга буккани, булут эса сув сепувчи бўлгани, шундай қилиб, осмон дунё боғини супурди, унга сув сепди, энди райҳонлар ниш ура бошлади. Ер юзини қоплаган ўт, майсалар кўк юзини тўзғитган юлдузларга ўхшатилади. Табиат атрофга оро бериб, аста дарахтларда япроқлар, гуллар пайдо қилади. Кейинроқ яшил либоснинг тугмалари — мевалар пайдо бўлади. Боғ мевага тўлади. Бу:

Боғ ўлуб ашжару самардин тўла,
Комилдек фазлу ҳунардин тўла.

Балки бўлуб равза гулистонидек,
Йўққи хирадманд киши жонидек.

Шоир наздида меваларга тўла боғ — боғбон меҳнатининг самараси, айни дамда ғарқ пишган мевалар фазлу ҳунарни тўла эгаллаган комил инсонларга ўхшайди. Уларнинг ақлу донишлиги туфайли яратилган яратиғлар ҳунарманд яратган — анжомлар каби қадрли. Фозиллар ўз касбу ҳунарини мукаммал эгаллаган яратувчи инсонларга ўхшатилади. Уларнинг жони жаннат гулистонига монанд.

Боғбон етилган меваларни териб олади. Саҳнида мева қолмаган боғ гавҳарсиз садафни эслатади. Боғ эса юлдузсиз, осмонга ўхшайди.

Чун узубон меваларни боғбон,
Боғ бўлиб анжуми йўқ осмон.

Саҳни гулистонки, самар йўқ анга,
Бир садафдекки, гуҳар йўқ анга.

Боғ мевасиз қиёфада “меваи жондин кўнгил” узади, дарахт шохлари эса “кўнгилсиз киши” каби беморга ўхшаб қолади. Шохлар, япроқларнинг бемор юзи каби сарғайиши ошиқнинг сарғайган юзидай, ишқ ғамининг ўти япроқларни куйдиргандай. Умрнинг хазонрезги даври айрилиқ туфайли содир бўлган бетобликка ўхшайди. Сарғимтир барглари ҳар томонга сочаётган кузнинг рутубатли шамоли энди япроқларда “рангу сафо” қолдирмади.

Қолмади тан нахлида барги ҳавас,
Балки учурди ани совуғ нафас.

Инсоннинг нафс йўлидаги интилишлари, ҳою ҳаваслари дарахт баргига ўхшатилади. Умрини бу каби енгил-елпи ҳаваслларга сарфлаган одамлар қарилик даври етиб, “тан дарахти ялонғочлангани каби” маънисиз ўтказган ҳаётидан ўкиниб қолмайдиларми? Уларнинг қариликдаги ҳолати мевасиз боғга ўхшамайдими? Ўн еттинчи мақолатдаги лирик чекиниш орқали Навоий ҳазратлари умр фасларининг қадрига етишга, уларни бесамар ўтказмасликка даъват этиб, ўз ҳаяжону кечинмаларини қуйидаги байтда тўла ифода қилганлар:

Оҳки умр ўтди жаҳолат била,
Қолдим ўлум вақти хижолат била...

Умр куни уйқуда қолдим тамом,
Эмдики уйғондим, ўлиб эрди шом.

Андаки қилмоқ керак иш, қилмадим,
Иш қила олмас кунини билмадим...

Яхшироқ ул умрдин ўлмоқ йирок,
Умр неким, андин ўлим яхшироқ!

Буюк мутафаккир ҳаёт каби улуғ неъматни қадрлашга, уни беҳудага сарфламасликка, умр фасларини эзгулик яратишга, мазмунли ўтказишга ва катта мақсадлар учун яшашга чорлайди. Инсоний сифатлар одам боласи учун энг катта давлатдир. Кўрар кўз, эшитар қулоқ, айтур тил, сезувчи димоғ, севгувчи қалб ато этилган экан, инсон улардан яхши ниятда фойдаланиши даркор. Таом тутгувчи қўл, юрадиган оёқ, фикр қилгувчи онг ато этилган экан, буларнинг барини инсоний бахт деб билишимиз, эъзозлашимиз керак. Зотан, улуғ яратувчи инсонни энг шарафли, энг шариф зот этиб яратди:

Барча жаҳондин қилиб ашраф сени,
Айлади розиға мушарраф сени.

Шундай улуғ мартаба ато этилган экан, инсон умрини фақат яхшиликка, эзгуликка сарф этиши лозим. Ҳеч бўлмаганда яхшилик қилишга қодир бўлмаса, кишиларга озор етказмасин, ёмонлик қилмасин.

Яхшилик гар айламасанг иш чоғи,
Айламагин бори ёмонлик доғи...

“Ҳайратул-аброр”даги умр фасларининг санъаткорона талқини инсониятни яна кўп асрлар оша ҳайратга солади. Ҳаётсеварликка, эзгуликка чорлайди.

Марғубахон МИРҚОСИМОВА,
Низомий номидаги ТДПУ профессори, педагогика фанлари доктори

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтида Республика маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда “Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодларида ватанпарварлик ва комил инсон тарбияси” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

МАЪНАВИЯТИМИЗ ДАРҒАЛАРИ

Тадбирда Навоий ва Бобурнинг маънавий мероси ҳақида Республика маънавият тарғибот маркази бўлим мудири Зиёда Ғаффорова, навоийшунос олим, филология фанлари номзоди Султонмурод Олим ва бошқалар Алишер Навоий ва Бобур ижодида илм, таълим-тарбия тўғрисида, асарларидаги бадиий образлар мазмун-моҳиятини тушунтириш, ўқувчиларда асар қаҳрамонларидаги ижобий фазилатларни шакллантириш ҳақида сўз юритдилар.

“Садди Искандарий” достонида яхши таълим ва тарбия олган ҳар бир киши Искандар каби бўлмоғи мумкинлигига эътибор қаратилгани, “Фарҳод ва Ширин” достонида эса Фарҳод ёшлигидан илм-ҳунар ўрганиш қоидалари асосида тарбияланади, натижада расм чизиш, темирга ишлов бериш ва замонасининг бошқа ҳунарларини эгаллагани ҳақида фикр юритиб, жамиятнинг аъзоси бўлган ҳар бир одам ўз халқига хизмат қилиши, ёрдам бериши, фойда келтириши, халқ манфаатини ўз манфаатидан юқори қўймоғи кераклигини таъкидлаб ўтдилар.

Маърифатпарвар шоҳ ва шоир Бобур лирик асарларида илмли бўлиш, илм-маърифатни қадрлаш, ҳаётда илмга қатъий амал қилиш муҳимлигини бот-бот уқтиргани ҳақидаги машҳур рубоийсини ўқиб, ким илм талаб бўлса, унга илмли киши, илм ўрганувчи учун олий матлаб бўлиши кераклиги ҳақида, шунингдек, Бобур ва бобурийлар сулоласининг Ҳиндистонда барпо этган иморатлари ва боғлари унинг бунёдкорлигига қўйилган ҳайкалдек пурвиқор бўлиб туриши, инсонпарварлиги, самимияти, ҳарбий салоҳияти ва моҳир дипломатлиги тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар. Тошкент маданият коллежи ўқитувчилари ва ўқувчиларининг Алишер Навоий ва Бобур ғазаллари билан айтилган қўшиқлар тадбирга янада завқ бахш этди.

Акром АКМАЛОВ,
педагогика фанлари номзоди, доцент

ЭЗГУ ҒОЯЛАР ЁШЛАРГА ҲАМРОҲ

Айни кунларда шаҳримизда буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллуди муносабати билан анжуманлар, давра суҳбатлари ва ижодий кечалар бўлиб ўтмоқда.

Тошкент педиатрия тиббиёт институтида “Алишер Навоий ижодида ёшлар тарбияси масаласи” мавзуидаги илмий-назарий конференция Миллий ғоя тарғиботи ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамкорлигида ўтказилди.

Тадбирда Тошкент педиатрия тиббиёт институти маънавий-ахлоқий, тарбия масалалари бўйича проректор Муборак Аҳмедова ва бошқалар ўзбек халқининг буюк мутафаккири Алишер Навоий жаҳон адабиёти, маданиятига, инсонлар бахт-саодати, халқ фаровонлиги, мамлакат ободлиги, она тилимиз равнақи учун улкан ҳисса қўшганлигини таъкидлаш баробарида шоир ҳаёти ва ижоди ёшларга намуна, ибрат бўлишини ва шундай улуғ даҳоларимиз асарларини ўрганиш ҳар бир ёшнинг бурчи эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Жумладан анжуманда филология фанлари доктори, профессор Б.Тўхлиев “Алишер Навоий бадиий меросининг ёшлар тарбиясидаги ўрни”, филология фанлари доктори, профессор Ҳ.Ҳамидов “Девони Фоний”да Навоий дидактик қарашларининг ифодаланиши” мавзуларида қизиқарли маъруза қилдилар.

— Алишер Навоий ижоди ўзининг ҳақиқий қадр-қимматини мустақил Ўзбекистонимизда топди дея оламиз, — дейди Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази бош мутахассиси Эргаш Даминов. — Навоий ўзининг ҳаёти ва фаолиятини юрт мустақиллиги ва тинчлиги, ўзбек тилининг нашъу намоси учун бахшида этган эди. Бугун улуғ шоиримиз ҳақли равишда жаҳон маданиятининг мумтоз вакиллари сафидан муносиб ўрин эгаллаган. Асарлари жаҳондаги юзлаб тилларга таржима қилинган, дунё аҳли унинг мероси билан ҳануз қизиқмоқда, асарларида тараннум этилган олижаноб ғоялар ва фалсафий мушоҳадалардан завқ олмоқда.

Дарҳақиқат, шоир асарларида илғор ғоялар сўнмас хазина, бинобарин бу яхшиликка даъват, ёмонликдан узоқда бўлиш, ёмон иллат ва амаллардан қочиб, ўз-ўзини тарбиялаш ғояларида мукаммал акс этади. Буюк аждодимизнинг беназир асарлари ҳаёт қомуси каби ҳамиша тўғри йўлни, ёруғ манзилларни кўрсатишга хизмат қилади.

Унинг асарларида оила маънавият ўчоғи, ота-она шу ўчоқни меҳр ила иситувчи машъаладир.

Тадбир сўнгида институт талабалари ижросида Навоий асарларига саҳналаштирилган саҳна кўринишлари, дилрабо куй ва қўшиқлар, ғазаллар йиғилганларга хуш кайфият бағишлади.

* * *

Алишер Навоий адабий мероси — бебаҳо маънавий хазина. Буюк алломанинг беназир асарлари ҳамиша халқ юрагидан муносиб ўрин эгаллаб келмоқда.

Чилонзор туманидаги 1-Тошкент педагогика коллежида бўлиб ўтган “Маънавият осмонининг офтоби” мавзуидаги кўчма маданий-маърифий тадбирда ҳам айнан шу ҳақда сўз борди. Тадбир Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳамда мазкур коллеж ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда филология фанлари доктори профессорлар Муҳаммад Абдуллаев, Ёқубжон Исоқов, Абдурасул Эшондадаев ва бошқалар Навоий асарларининг мазмун-моҳияти, жаҳон адабиётидаги юксак мақоми, баркамол авлод тарбиясидаги ўрни, ўзаро меҳр-оқибат, саховатпешалик, айниқса, элга наф етказишни олий саодат деб билиш мутафаккирнинг асосий ғояларидан бири эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

— Улуғ бобомизнинг ҳар бир сатри инсонларга одобахлоқ, эътиқод, тасаввур ва тафаккурнинг энг эзгу ғояларидан, ҳар қадамда фидоий бўлиш ва маънавий жасорат ҳисси билан яшаш саодатидан сабоқ беради, — дейди Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғининг матбуот котиби Одинахон Холиқова. — Бундай тадбирлар ёшларнинг маънавий, эстетик дидини янада бойитибгина қолмай, уларнинг қалбида улуғ аждодларимизнинг бебаҳо асарларидан фахрланиш туйғусини кучайтиради, шу билан бирга ёшларни Ватанни севишга, унга садоқат билан хизмат қилишга чорлайди.

Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи қошида ташкил топган “Улуғбек юлдузлари” ансамбли ва “Дурдона” фольклор ансамбли ижросидаги куй ва қўшиқлар тадбирнинг мазмунли ва маромқли чиқишини таъминлаб берди.

Ўқувчилар томонидан ижро этилган Навоий ғазаллари, саҳналаштирилган саҳна асарлари ва дилбар рақслар ҳам барчага бирдай манзур бўлди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Учтепа тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ

УЧТЕПА ТУМАНИДА 2016 ЙИЛДА ҲАҚ ТЎЛАНАДИГАН ЖАМОАТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги “Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 353-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 й., 7-сон, 40-модда) ижросини таъминлаш, иш қидираётган шахс сифатида туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида рўйхатга олинган фуқароларга уларнинг вақтинча иш ҳақи олиши ва иш қидираётган даврида уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, марказ томонидан “ишсиз” деб эътироф этилган фуқароларни вақтинча иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, биринчи марта иш қидираётган ва касби бўлмаган шахсларни меҳнат фаолиятига жалб қилиш мақсадида ҳамда туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг 2016 йил 11 январдаги 33-сонли хати билан берилган таклифини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Учтепа туманида 2016 йилда ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона ва ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

2. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона, ташкилотлар раҳбарларига:

иловада қайд этилган ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш таъминлансин;

жамоат ишларига жалб қилинган фуқаролар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қарашли корхона ва ташкилотлар бўйича 50 фоизи иш берувчилар маблағлари ва 50 фоизи маҳаллий бюджет ва иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан,

бошқа корхона ва ташкилотлар бўйича 75 фоизи иш берувчилар маблағлари ҳисобидан, 25 фоизи иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин;

туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази йўлланмаси бўйича ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган фуқароларни жамоат ишига қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумот 3 кун муддатда марказга ёзма равишда хабар қилинсин.

3. Туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази (Ж.Жуманиязов):

корхона ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорнинг тўлиқ бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсин;

ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган ва иш билан таъминланган фуқаролар белгиланган тартибда ҳисобга олинсин.

4. Туман ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи (Ғ.Шамсиев) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг “Компьютерлаштириш маркази” ДУКнинг Учтепа тумани тармоқ администратори (Ш.Камолов):

Мазкур қарор “Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.uchtepa.poytaxt.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари С.Гиясов зиммасига юклансин.

Учтепа тумани ҳокими
А.Досмухамедов

2016 йил 20 январь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

АВИАТАШУВЛАР ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси марказий кенгаши ижроия қўмитаси, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси ҳамкорлигида авиаташувлар бозорини ривожлантириш ҳолати ва истиқболларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси бош директори В.Тян, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати А.Пардаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида соҳада амалга оширилаётган модернизация ишлари самарасида миллий авиакомпаниямизнинг жаҳон авиаташувлар бозоридаги ўрни мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлади.

Хавфсизлик, йўловчи ва авиация техникаси сервисининг сифатини ошириш, юқори малакали кадрлар тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. Авиакомпания технологик базаси янгиланиб, аэропортлар ва объектлар техник таъминоти такомиллаштирилмоқда.

2015 йилда миллий авиакомпания ҳаво лайнерларида 23 минг 269 қатнов амалга оширилган. Авиакомпания хизматларидан 2 миллион 572 минг 289 йўловчи фойдаланган. Навоий шаҳридаги халқаро интермодал логистика марказидан Франкфурт, Милан, Вена, Дубай, Сеул, Шанхай, Ханой, Деҳли, Мумбай шаҳарларига юк қатновлари амалга оширилмоқда.

“Uzbekistan Airways Technics” авиакорхонасида самолётларнинг композит материалларини таъмирлаш маркази очилди. Жорий йилнинг кузида ҳаво лайнерларининг энг замонавий авлодига мансуб иккита Boeing-787 Dreamliner самолёти олиб келинади. Янги “Тошкент-4” йўловчи терминалининг қурилиши устида иш олиб борилмоқда.

Давра суҳбатида соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, бу борада жамоатчилик ва депутатлик назоратини амалга ошириш муҳим вазифалардан эканлиги таъкидланди.

(ЎзА)

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ САМАРАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

“Максам-Чирчиқ” акциядорлик жамиятида табиий газдан аммиак синтезида қўлланиладиган олти турдаги янги катализаторнинг маҳаллийлаштирилиши кимё саноатида ушбу маҳсулотга бўлган эҳтиёжни қондириш имконини берган бўлса, доломитни ва ундан олинадиган магний нитратини аммиакли селитрага қўшимча сифатида ишлатиш технологиясининг яратилиши билан магнезитнинг импортдаги улуши қисқарди.

Ёпишқоқликка қарши реагент аммиакли селитра ишлаб чиқаришда катта аҳамиятга эга. Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети олимлари билан ҳамкорликда маҳаллий хомашёлар асосида шундай реагент яратилиб, саноатга татбиқ қилиниши натижасида Голландиядан келтириладиган NOVO Flow реагентнинг импортдаги улуши қисқарди. Бу минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, уларнинг таннархи камайишига сабаб бўлди.

Қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган инновацион лойиҳалар ҳам ишлаб чиқаришга кенг жорий этилмоқда. “Фарғонаазот” акциядорлик жамиятида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти ва Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Полимерлар кимёси ва физикаси илмий-тадқиқот маркази билан ҳамкорликда СуперХМД-ж, ЎзДеф ва Полидеф дефолиантларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, ҳар қандай ер шароитида, ҳатто шўрланган ва қумлоқ ерларда ҳам полиз экинларини озиқлантириш мумкин бўлган суюқ азот-кальцийли ҳамда “Дармон” маркали универсал мураккаб суюқ комплекс ўғитларини ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилди. Ушбу ўғитлар ҳосилдорликнинг қирқ фоизгача ошиши, экин новдаларининг мустаҳкам бўлиши, аномал ҳарорат ҳамда турли касалликларга чидамлилигини таъминлайди.

“Максам-Чирчиқ” акциядорлик жамиятида аммиакли селитра эритмаси асосида ишлаб чиқилган универсал озиқлантирувчи эритма деҳқон ва фермерларимиз учун жуда қўл келмоқда. Таркибида азот-калий, азот-фосфор, азот-фосфор-калий бўлган эритмани қишлоқ хўжалик экинларининг барча турларида минерал ўғит сифатида фойдаланиш мумкин.

Қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожланиши жараёнида кимё саноатида янги маҳсулотлар турини янада кенгайтиришни тақозо қилмоқда. Бинобарин, “Фарғонаазот”да натрий нитрат ишлаб чиқарилиши тўғметаллургия ҳамда шиша, “Навоийазот”да бертолий тузининг саноатга жорий қилиниши гугурт ишлаб чиқаришда қўл келмоқда.

Яна бир ишланма – музлашга қарши реагент мамлакатимиз автомобиль йўллари учун ҳам, автосаноат учун ҳам бирдек аҳамиятга эга. Чунки реагент -320 С ҳароратгача йўлларда яхмалак ҳосил бўлишининг олдини олиш баробарида қора ва рангли металларга нисбатан коррозион фаоллиги ёмғир сувиникидан юқори эмас.

Маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотлар катта миқдорда валютани тежаб қолиш имконини бермоқда. Биргина ўрта ҳароратли катализаторни ишлаб чиқишдан бир миллион доллардан зиёд маблағ иқтисод қилинганини таъкидлаш лозим. Шу билан бирга, инновацион маҳсулотларимиз хорижда ҳам ўз харидорларини топмоқда. 2015 йилда тўрт миллион долларлик етти турдаги янги кимёвий маҳсулот экспорт қилинди.

Жорий йилда бир қатор лойиҳалар амалга ошириш мўлжалланган. Қорақалпоғистон Республикасидаги Қўнғирот сода заводида натрий сульфат тузини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш устида иш олиб борилмоқда. Ушбу маҳсулот шиша саноатида асосий хомашё, шунингдек, маиший кимё, текстиль, пойабзал, рангли металлургия тармоқлари учун муҳим ресурс бўлиб хизмат қилади.

“Навоийэлектрокимё” заводида бишофит маҳсулотининг тажриба-саноат партияси яратилган бўлиб, ишлаб чиқаришга жорий этиш арафасида. Бунинг самарасида пахта йиғимтеримида зарур бўладиган дефолиантларни ишлаб чиқаришдаги муҳим хомашё маҳаллийлаштирилади.

Хлор таблеткалари ва алюминий гидроксохлориди коагулянтини ишлаб чиқариш ҳам истиқболли ишланмалардан. Секин эрийдиган хлор таблеткаларини ичимлик суви ва сув ҳавзаларини зарарсизлантиришда, алюминий гидроксохлоридини ичимлик ва оқова сувларини тозалашда коагулянт сифатида қўллаш мумкин.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимиз саноат корхоналарида инновацион фаолиятнинг ривожланиши янги ишлаб чиқариш қувватлари ҳамда кўринишларининг жорий қилиниши, янги иш ўринлари ташкил этилиши, ташқи иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши ва пировардида аҳоли турмуш фаровонлигининг янада юксалишига хизмат қилади.

Беҳзод БОЗОРОВ
ёзиб олди

Таълим

БЎЛАЖАК АРХИТЕКТОРЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ПАРВОЗИ

Миробод туманидаги Тошкент архитектура қурилиш касб-ҳунар коллежида "Коллеж битирувчиларининг амалий ишлар тақдимоти" мавзуида ўқувчиларнинг ижодий ишлари кўргазмаси бўлиб ўтди.

Тадбирда Тошкент архитектура–қурилиш институти ва коллеж ўқитувчилари, ота-оналар ва журналистлар иштирок этди.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ёшларнинг замонавий шароитларда таҳсил олиши, ижодий салоҳиятини юксалтириш, интилиш ва изланишларини юзага чиқаришда муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур ўқув маскани 2012 йилда янгитдан барпо этилиб, жаҳон стандартларига мос келадиган замонавий жиҳозлар билан жиҳозланди. 435 ўқувчига мўлжалланган коллеж ҳудудида уч қаватли ўқув биноси, икки қаватли устахона, бир қаватли спорт зали мавжуд. Қирқдан ортиқ малакали педагоглар беш юзга яқин ёшларга илғор педагогик технологиялар асосида таълим-тарбия бериб келмоқда.

— Коллежда ёшларнинг архитектура ва қурилиш соҳасига бўлган қизиқишини ривожлантириш, замонавий ва маҳаллий архитектура, жойлардаги тарихий обидалар, зиёратгоҳларни тарғиб этиш, соҳага доир фанлар бўйича иқтидорли, қобилиятли ёшларни аниқлаш, уларнинг ижодий иқтидорини такомиллаштириш ва қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, – дейди Тошкент архитектура қурилиш касб-ҳунар коллежи директори Нусратжон Норов биз билан бўлган суҳбатда. — Ушбу кўргазма эса, изланувчан, интилувчан, қобилиятли ёшларни аниқлаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил этилди. Умид қиламизки ўқувчиларимиз келажакда мамлакатимиз тараққиёти ва равнақига муносиб ҳисса қўшадилар.

Кўргазмада элликка яқин ўқувчиларнинг турли меъморий шакллар, уй-жойлар, шаҳарчалар, спорт иншоотлари, лойиҳалари, замонавий бинолар, меҳмонхоналарнинг макетлари ва суратлари акс эттирилган беш юзга яқин ижодий ишлари намойиш этилди.

Жумладан, тадбирда архитектуравий мерос ва таълимот, инновацион технологияларни таълим жараёнига жорий этиш, архитектура ва қурилиш фанларини чет тилида ўқитишнинг инновацион педагогик усуллари каби мавзуларда ҳам қизғин мулоҳазали фикрлар билдирилди.

Тадбир ниҳоясида Дониёр Зинатуллин, Аҳмаджон Валиев, Анжелина Ивашенко, Гўзал Ҳожимирзаева каби ўқувчилар турли номинациялар бўйича ғолиб деб топилиб, фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Гулнигор САТТОРОВА

Ахборот асри деб ном олган асримизда телекоммуникация тасаввур қилиш қийин даражада тез ривожланмоқда. Сўнгги турдаги телефон, планшет, нетбук, ноутбук ва компьютерлар интернет орқали бизга керакли маълумот ва янгиликларни бир зумда аниқлашда беминнат хизмат қилмоқда.



ИНТЕРНЕТ МАДАНИЯТИ ВА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ — МУҲИМ ВАЗИФА

Танганинг икки томони бор деганларидек, интернет ва юқорида номлари қайд этилган технологияларнинг, афсуски, салбий томонлари ҳам талайгина. Бугун бу технологиялар ёшу қаттани бирдек ўзига ром этган. Айрим ёшларимиз билим эгаллаш, касб-ҳунар ўрганиш ўрнига бўш вақтларининг кўп қисмини ҳар хил компьютер ўйинларини ўйнаш ва интернет клубларида ўтказишмоқда. Уларнинг маънавияти ва дунёқарашига салбий таъсир кўрсатишга мўлжалланган ахборот шаклидаги психологик хуружлар ва тахдидларнинг сони кўпайиб бораётган бир даврда ёшлар онгида ғоявий иммунитетни мустаҳкамлаш, интернет ва телекоммуникация воситаларидан тўғри мақсадларда фойдаланишни сингдириш бугунги кунимизнинг муҳим масалаларидан бири бўлмоқда.

Тошкент Темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежида ўтказилган "Қулай ахборот муҳитида ёшлар онгида ижтимоий-сиёсий жараёнлар" мавзусидаги давра суҳбатида шулар хусусида сўз юритилди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан "Ватан келажаги ёшлар қўлида" ижтимоий лойиҳаси доирасидаги мазкур тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси сиёсий Кенгаши марказий аппарати масъул ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита мутахассислари, партиянинг "Ёш адолатчилар" қаноти Кенгаши аъзолари ҳамда коллеж ўқитувчилари ва ўқувчилар иштирок этишди.

Тадбирни ташкил этишдан мақсад ҳозирги глобаллашган ахборот муҳити шароитида ёшларда ижтимоий-сиёсий жараёнларга муносабатни шакллантириш, уларга ахборот олиш ва тарқатиш борасида тушунчалар бериш, ахборот оламида ёшларнинг иштирокини кенгайтириш ҳамда уларда интернет тармоғи орқали бўлаётган турли ахборот хуружлари ва мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетини шакллантиришдир.

Тадбирда сўзга чиққанлар ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши ахборот олишда чексиз имкониятларни тақдим этаётгани, шу билан бирга, ғараз ниятли кимсалар учун ҳам бузғунчи ғояларни тарқатишда қўл келаётганини таъкидлаб ўтишди. Дарҳақиқат, айрим ёшларимиз интернет-маданият меъёрларига риоя қилмаслиги оқибатида бузғунчи ғояларни тарғиб этувчи гуруҳлар тузоғига илиниб қолмоқдалар.

– Кўпчилик қатори мен ҳам интернетдан фойдаланиб тураман, аммо зарур вақтда керакли маълумотни олиш учун, – дейди мазкур коллежнинг биринчи босқич ўқувчиси Шаҳзод Мақсудхўжаев. – Устозларим томонидан уйга берилган вазифаларни бажаришим лозим бўлганлиги сабаб баъзи бир тенгдошларим сингари соатлаб интернет титкилашга вақт етмайди. Бугунги тадбирдан шуни англадимки, биз, ёшлар ҳар бир манбадан ўзимиз ва келажагимиз учун нафи тегадиган маълумотни олмоғимиз лозим. Шундагина эзгу мақсадларимизга эришишимиз мумкин.

Давра суҳбатида ёшларнинг кўтарилган мавзуга муносабатини аниқлаш мақсадида "Интернет маданияти ва ахборот хавфсизлиги – муҳим вазифамиздир" мавзуида ижтимоий сўровнома ўтказилди. Шунингдек, уларни турли бузғунчи ғоялар ва экстремистик гуруҳларнинг алдовларидан огоҳ бўлишга чорловчи "Фитна" номли ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Абдуалим САЛИМОВ

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашининг асосий вазифаси – ўзбек халқи миллий қадриятлари, урф-одат ва анъаналарини, маданият, санъат ва иқтисодий соҳаларда эришган ютуқларини халқ дипломатияси асосида хорижий мамлакатларга кенг тарғиб этишдан иборатдир.

Албатта, Кенгаш фаолиятининг ривожланишида "Ўзбекистон – Франция" дўстлик жамиятининг ўрни беқиёсдир. 1998 йилда ташкил этилган мазкур дўстлик жамияти, халқимизнинг ҳаёт тарзи, маданияти ва санъати, миллий қадриятларини француз халқига яқиндан таништириш борасида делегация алмашинувлари, турли маданий-маърифий тадбирлар, халқаро анжуманлар ўтказиш билан биргаликда юртимизда ҳам кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда бир қатор мана шу мақсадга қаратилган тадбирларни ўтказишни кенг йўлга қўйган.

— Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида оналик ва болаликнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, хотин-қизлар саломатлигини янада мустаҳкамлаш, бу борада қонунчиликни такомиллаштириш борасида белгилаб берилган устувор йўналишлар ижросини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди, — дейди "Ўзбекистон – Франция" дўстлик жамияти ижрочи директори, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти доценти Нодира Маматова. — Юқорида кўзда тутилган устувор йўналишлар ижросини таъминлашда маданий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ишларнинг ўрни беқиёс. Аввало хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлашда маънавиятнинг аҳамияти катта. Айниқса, оилада фарзанд саломатлиги, унинг тарбиясида ёшларимизни соғлом муҳитда ўстиришда бу асосий ўрин эгаллайди. Шуни назарда тутган ҳолда жамиятимиз жойларда қатор тадбирлар ҳамда давра суҳбатлари ўтказиб келмоқда. Фаолиятимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг 2014-2015 йилда "Соғлом бола — келажак пойдевори" грант лойиҳасини қўлга киритганидан сўнг янада ривожланди. Ушбу лойиҳа асосида Самарқанд, Навоий вилоятларида маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Айниқса, Навоий вилоятидаги Ёшлар марказида "Барқамол авлодлар орзуси амалда" мавзуида ўтказилган давра суҳбати ёшларни юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини тўлиқ ўзлаштирган баркамол инсонлар бўлиб етишишлари йўлида катта аҳамият касб этди.

Кўплаб тадбирлар "Ибн Сино" жамоат фонди, Дўстлик жамиятлари Кенгаши, турли жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказилди. Дўстлик жамиятининг жорий йилги режалари ҳам талайгина. Маълумки, 2016 йил — "Соғлом она ва бола" йили деб аталиши, шифокорларга катта масъулият юклайди. Бу борада ҳам маданий, ҳам маърифий фаолиятимиз орқали инсонлар саломатлигини мустаҳкамлашда самарали меҳнат қилишимиз даркор.

Муқима АБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши масъул котиби

ТАФАККУР САРЧАШМАСИ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши томонидан тумандаги 131-умумтаълим мактаби "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти қошида "Камолот" кутубхонаси ташкил этилди.

Мазкур кутубхона ёшлар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш мақсадида олиб борилган ишлар юзасидан чора-тадбирлар дастурининг "Ёшларни таълим муассасаларидаги тарбиявий ишларнинг ҳолати ҳамда маҳаллалардаги уюшмаган ёшлар билан ишлашнинг самарадорлигини ошириш бўйича" тавсия режасига кўра очилди.

Таъкидлаш жоизки, "Камолот" кутубхонаси таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотларини қўллаб-қувватлаш, ҳаракат аъзоларининг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга кўмаклашиш, ўқувчи-ёшларнинг маънавий дунёқарашини кенгайтириш, китобга бўлган муҳаббатини уйғотиш ва ривожлантиришга хизмат қилади.

— Бундай туҳфа барча ўқувчиларимизга манзур бўлди, — дейди мактабнинг "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси Дилдора Мусаева. — "Камолот" кутубхонаси ташкил этилганлиги тўғрисида ўқувчиларга маълум қилдик, шу куннинг ўзидаёқ ўқувчилар дарсдан сўнг "Камолот" хонасига йиғилиб, китобларни мутола қилишди.

Кутубхонага ўзбек ва жаҳон ёзувчи ва шоирлари ёшлар маънавияти ва тарбиясига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиш учун мўлжалланган энг сара асарлар туҳфа этилди. Мактаб ўқувчилари ўртасида "Камолот" кутубхонаси лойиҳаси доирасида "Энг яхши китобхон" танлови ҳам ўтказилди.

Зиёда РАСУЛОВА

"УЧАР" КИРАКАШЛАР ҚАЧОНГАЧА СУВДАН ҚУРУҚ ЧИҚАДИ?

Замонадан айланай. Тошкент Тошкент бўлиб, бундай кўп машинани кўрмаган. Бир йигит умричалик давр ўтиб-ўтмай, қурилган кенг-кенг йўллар ҳам тор кўриниб қолди кўзимизга. Машина кўпайди-да. Бу ҳам – фаровонлик белгиси.

Шаҳар ҳам кенгайиб, ҳаёт жадаллашгандан-жадаллашди. Вақт – анқонинг уруғи. Ҳамма нарса етишса, етишар-у, вақт қурғур етишмайди, денг. Ҳамма еляпти, югуряпти. Ҳамма қаёққадир шошгани шошган. Ана шунинг учун ҳам дунёнинг катта шаҳарларида йўналишсиз такси хизмати кишилар жонига оро киради. Бизда ҳам транспорт хизматининг бу тури яхши йўлга қўйилган. Ҳозирги пайтда 224 корхона йўналишсиз такси соҳасида фаолият кўрсатяпти. Шундан 5 таси бевосита "Тошшаҳартранс хизмат" АК иштирокида ташкил этилган. Жами таксилар сони – 2901 та. Ахир, Тошкентимиз ҳам Ер юзининг мегаполис пойтахтларидан бирига айланганига анча бўлган-да. Хуллас, бугун қаймоқранг енгил автомашиналар бир зумда узоғингизни яқин қилиб, сизни исталган манзилингизга элтиб қўяди.

Аммо...

Ҳаёт бир текис эмас экан. Кимдир қонунни "айланиб" ўтишга, давлатнинг кўзини шамғалат қилишга интилаверар экан. Аҳоли ўртасида йўналишсиз таксига эҳтиёж кўпаяётганидан фойдаланиб, шахсий автомашинасида ноқонуний тарзда киракашлик қилаётганлар ҳам кўпайгандан кўпайди. Халқ ҳам уларни таниб қолди: уларга "учарлар" деб от қўйиб олган.

Қонуний равишда таксичилик қилаётган ҳайдовчилар олдига жиддий талаблар қўйилади. Улар шу талабларга жавоб берган ҳолда ишлайди. Бошқача айтганда, қаймоқранг таксиларни бугун профессионал ҳайдовчилар бошқаряпти.

Бироқ: *"Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар"*, – деганларидек, "учар" киракашлар йўл ҳаракати хавфсизлигига катта зиён етказяпти.

Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, кейинги пайтда киракашларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузиб ҳаракатланиши оқибатида йўл-транспорт ҳодисалари кўплаб содир бўлмоқда. Бу эса аҳоли ҳамда қонуний фаолият кўрсатаётган жамоат транспорти вакилларининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётир.

Ноқонуний киракашлик билан шуғулланувчи бу ҳайдовчилар тўхташ мумкин бўлмаган жойларда, масалан, автобус бекатлари, чорраҳаларда, бозорлар атрофида қоидани қўпол равишда бузиб, жамоат транспорти воситалари ва пиёдалар ҳаракатига халал бериб, автоҳалокат ҳолатини вужудга келтирмоқда.

Нафс ўлгур ҳам бир неча тур бўлар экан. Қонунга хилоф равишда киракашлик қилиб, мўмай даромад топиш билан шуғулланиш ҳам – нафс. Бундай "учар" ҳайдовчиларнинг спиртли ичимликларга бўлган иштиёқи ҳам кучли бўларкан. Маст ҳолда автомашина бошқараётганлар орасида айнан ана шу киракашлар кўп эканини қандай изоҳлаш мумкин?

"Дамас" ҳам – яхши машина-да. Ҳайдовчидан ташқари, яна 6 кишини ташийди. Аммо қонунан шундай. Ноқонуний тарзда "Дамас" машинасида киракашлик қилаётган "учарлар" ўзидан ташқари яна 7 йўловчини миндириб олаверади ҳам. Энг ёмони, "Дамас"да йўловчи ташиш билан ноқонуний тарзда шуғулланаётган киракашлар кўп ҳолларда "Тошшаҳартрансхизмат" АКнинг белгиланган йўналишларини такрорлагани учун автосаройлар режасининг бажарилмаслигига, бюджет тушумларнинг камайишига олиб келмоқда. Шунинг учун ҳам қонуний тарзда йўналишсиз такси фаолиятини йўлга қўйган кўпгина корхоналар иши касодга учраб, фаолиятини тўхтатишга мажбур ҳам бўлмоқда. Бундай ҳолатлар Юнусобод туманининг Амир Темур шоҳкўчаси, Шайхонтоҳур туманининг Навоий, Беруний кўчаларида, Олмазор туманининг Сағбон кўчаларида аниқланган.

Ҳатто, Бектемир туманида жойлашган "SHAMS TRANS SERVIS" МЧЖ ҳайдовчилари ноқонуний киракашлик билан шуғулланаётган шундай "чаққонлар" фаолияти ҳақида тегишли жойларга куйиниб мурожаат этишди ҳам. Ўрганиш натижасида, мурожаатлар ўз тасдиғини топди. Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Тошкент шаҳри бўлими мутахассислари томонидан 11 та "Дамас" ва 1 та "Истана" русумли автотранспорт воситаси ҳайдовчисига нисбатан маъмурий чора кўрилди.

Ёки "Озодбек транс" МЧЖнинг мурожаати бўйича Мирзо Улуғбек туманида Буюк Ипак йўли – ТТЗ – Чирчиқ шаҳри йўналишларида йўловчиларни ноқонуний равишда ташиётган ҳайдовчиларга нисбатан қонун доирасида чора кўриш учун масъул ташкилотлар томонидан қўшма тадбирлар ўтказилди. Рейд давомида қоидабузарлик содир этгани учун 21 та ҳайдовчига нисбатан чора кўрилди.

Ахир, шаҳар бедарвоза эмас. Демократик жамият ҳамма нарсани тартибга солишни тақозо этади. Ҳар нарсанинг ўз тошу тарозиси бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2011 йил 18 майдаги 139-сон, "Автомототранспорт воситаларини доимий ва вақтинча сақлаш жойларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида" 2013 йил 31 июлдаги 213-сон қарори билан тасдиқланган Низом бор.

Ўтган 2015 йил мобайнида ҳам автотранспорт хизматлари бозорида бозор муносабатларини ва рақобат муҳитини ривожлантириш, юк ташишда ва хусусий ҳамда юридик ташувчиларга имкониятлар яратиш, ташувчилар томонидан автомобиль транспорти ва йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини таъминлаш бўйича қатор чора-тадбирлар кўрилди.

Бу борада қонунчиликни таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳри ҳокимлиги ва пойтахт Ички ишлар бош бошқармаси томонидан тасдиқланган чора-тадбирлар режасига мувофиқ шаҳар йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ҳамда давлат солиқ бошқармаси билан биргаликда йўловчи ташиш транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти томонидан 2015 йил мобайнида 19 минг 854 та қонун бузилиши ҳолати аниқланди. Шундан 2 мингдан ортиғини тегишли ҳужжатларсиз йўловчиларни ноқонуний тарзда ташиш билан шуғулланган ҳайдовчилар ташкил этган.

Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг Тошкент шаҳри бўлими томонидан Тошкент шаҳри Ички ишлар бош бошқармаси, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ва Давлат солиқ бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда 2015 йилнинг 11 ойи мобайнида пойтахтимизнинг автотранспорт воситалари кўп йиғиладиган жойларида, йўлларда ва йўл-патруль хизмати масканларида, тижорат асосида автотранспорт хизмати кўрсатаётган транспорт воситалари ҳайдовчилари фаолиятининг қонунийлигини назорат қилиш мақсадида 226 та рейд тадбири ўтказди. Ноқонуний тарзда йўловчиларни ташиш билан шуғулланаётган 627 та енгил автомобиль ҳайдовчисига нисбатан ҳужжатлар расмийлаштирилди, 1 минг 203 та қоидабузарга жами 894 миллион 100 минг сўмдан ортиқ миқдорда маъмурий жарима солинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги "Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини бажариш мақсадида Зомин – Тошкент йўналишида ноқонуний йўловчи ташиш билан шуғулланаётган ҳайдовчиларнинг бир нечтаси аниқланиб, уларга нисбатан кескин чоралар кўрилди.

– Албатта, бу қилинаётган ишларимиз етарли эмас, – дейди Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи М. Маҳмудов. – Бу борада фуқаролар ўртасида қонунлар моҳиятини тарғиб этишни кучайтиришимиз зарур.

Ношукрлик – ёмон-да. Ҳатто, ер юзининг ривожланган давлатларида ҳам такси хизматини йўлга қўйиш учун лицензия олиш анча мураккаб жараён ҳисобланади. Бу кўп маблағ ҳам талаб этади. Бизда эса бу борада тадбиркорлар учун катта қулайликлар яратилган. Масалан, Тошкент шаҳри ҳокимлиги Йўловчи ташиш транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти томонидан ташувчилар учун сайти (www.tashdeptrans.uz)да интерфаол хизмат йўлга қўйилди. Унинг фаолияти ва меъёрий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар билан департаментнинг расмий веб-сайти (www.tashdeptrans.uz) орқали танишиш мумкин.

Бизда расмий рўйхатдан ўтган ҳолда йўналишсиз такси режимида ишлаётган ҳар бир ҳайдовчи ижтимоий ҳимояланган. Меҳнат дафтарчасига стажи ҳақида қайд киритилади, ойлик иш ҳақи тўланади, жамғариб бориладиган пенсия жамғармасига чегирмалар ажратилади. Ҳайдовчилар учун кундалик тиббий кўрик ташкил қилинади ва автомобиллар доимий техник кўрикдан ўтказиб борилади.

Давлатимиз тадбиркорлик қиламан, қонуний фаолият кўрсатаман деган фуқароларга ҳамма шароитларни яратиб бермоқда. Аммо, шунга қарамасдан, ноқонуний фаолият кўрсатиб ўзига ҳам, давлатга ҳам, жамоатчиликка ҳам зиён етказаётган "чаққон" киракашлар фаолиятига чек қўйиш вақти аллақачон етмадимикан?!

Индаллосига нима демоқчимиз? Тўғри йўл қолиб, эгрини, ҳақ қолиб, ноҳақни, қонунийлик қолиб ноқонунийликни танлаганлар билиб қўйсинки: *"Бузоқнинг югургани – сомонхонагача"*. Қолаверса, мамлакат равнақ топиши, халқ фаровон яшаши учун жамиятда қонун устувор бўлиши, ҳар қандай фаолият қонуний тарзда амалга оширилиши, ҳар қандай даромаддан солиқ тўланиши керак.

Бунга ҳамма кўникиши – шарт. Йўловчилар ҳам такси деб дуч келган машинага ўтиравермасин. Бундан буён ҳамма яхши билсинки, Тошкент шаҳрида қаймоқ рангли, *"такси"* деган ёзуви бор автомобилларгагина ишониб, манзилга етиб олиш мумкин.

Ноқонуний фаолиятга биргалашиб қарши курашишдан бошқа йўл йўқ.

Д.ИСМОИЛОВ

Спорт янгиликлари

ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Миллий матбуот марказида "Ўзбекистон шахмат Федерациясининг 2015 йилдаги фаолияти натижалари ва истиқболдаги вазифалар" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Президентимиз раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортга, хусусан болалар спортини ривожлантиришга қаратилган эътибор туфайли спортнинг барча турлари жадал ривожланмоқда.

Айниқса, юксак салоҳият ва ўткир ақл-заковат талаб этадиган спортнинг шахмат турида муваффақиятга эришаётган ёшларимиз сафи тобора кенгайиб бораётгани эътиборга лойиқдир.

Спортчиларимиз нафақат республикамиз миқёсида балки жаҳон чемпионатларида ҳам улкан ютуқларни қўлга киритмоқда. Жумладан, юртимиз шахматчиларининг халқаро мусобақаларда эришаётган юксак марралари таҳсинга сазовордир. Бунга мисол тариқасида биргина ўтган 2015 йилда ўзбек шахматчилари 25 та олтин, 8 та кумуш ва 12 та бронза медалларини қўлга киритганини келтириб ўтиш мумкин.

— Маълумки, Ўзбекистон шахмат Федерацияси 1992 йил ФИДЕга аъзо бўлди. Ўтган йиллар давомида федерация томонидан мамлакатимизда шахматни ривожлантириш ҳамда оммавийлаштириш йўлида қатор самарали ишлар амалга оширилиб келинмоқда, — дейди Ўзбекистон шахмат Федерацияси раисининг ўринбосари Баҳодир Умурзоқов. — Мамлакатимиз шахмат бўйича қитъа чемпионатларига, нуфузли Гран-при турнирларига мезбонлик қилди. Бинобарин, Рустам Қосимжонов, Нодирбек Абдусатторов, Жавоҳир Синдоров, Шамсиддин Воҳидов каби юртимиз шахматчилари жаҳон чемпиони деган юксак номга сазовор бўлдилар.

Анжуманда федерациянинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилгани ва самарали фаолият олиб бораётганлиги, Тошкент, Фарғона вилоят бўлимлари эса, ўз интернет сайтларига эга эканлиги, шунингдек, хусусий "Сеҳрли шахмат", "Sky chess", "Sport-Friendship-Viktory" шахмат клублари ҳам ташкил этилганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бериб ўтилди.

Тадбир доирасида "Йилнинг энг яхши шахматчиси", "Йилнинг энг яхши аёл шахматчиси", "Йилнинг энг яхши ҳаками", "Йилнинг энг яхши шахмат мураббийи" ва "Йилнинг энг яхши шахмат клуби" номинациялари ғолиблари фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Зафар НАЗАРОВ



Футбол бўйича Самвел Бабаян бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси 12-15 февраль кунлари қисқа муддатли ўқув-машғулот йиғинида иштирок этади.

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИ ЎТКАЗИЛАДИ

Ўқув-машғулот йиғини доирасида БААнинг Дубай шаҳрида Ўзбекистон ҳамда Ливан миллий терма жамоалари ўртасида назорат-ўртоқлик учрашуви ҳам ташкил этилади. Ушбу баҳс март ойида уюштириладиган 2018 йилги жаҳон чемпионатига ҳамда 2019 йилда ўтадиган Осиё Кубогига саралаш турнири гуруҳ беллашувлари олдидан миллий терма жамоамиз учун ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтайди.

Эслатиб ўтамиз, Самвел Бабаян шогирдлари 24 март куни 2018 йилги жаҳон чемпионатига ҳамда 2019 йилги Осиё Кубогига саралаш турнирининг иккинчи босқичи доирасида Филиппин терма жамоаси билан, 29 март куни эса Баҳрайн терма жамоаси билан Тошкентда куч синашади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ҳеч бир нарса давлатни спорт ва санъатчалик дунёга танита олмайди. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ёшлар спортини ривожлантиришда кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

МАҲОРАТЛИ ТАЛАБАЛАР БЕЛЛАШУВИ

Тиниб-тинчимас "Камолот"чиларимиз ҳам бу соҳада ўз ташаббуслари билан муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Тошкент фармацевтика институти "Камолот" ЁИҲ бошланғич ташкилоти томонидан ташкил этилган "Шахмат маликалари" беллашувлари ҳам шулар жумласидан. Спортнинг ушбу тури бўйича ҳаваскор талаба қизлар ўзаро куч синашдилар.

— Бу каби тадбирларни ташкил этишдан асосий мақсад талабаларнинг бўш вақтларини янада мазмунли ўтказишларига кўмаклашишдир, — дейди тадбир ташкилотчиси Санжар Орипов.

Мусобақа беллашувда ниҳоят ғолиблар номи аниқланди. Биринчи ўрин 2-курс талабаси Нилуфар Давировага, иккинчи ўрин 1-курс талабаси Ҳилола Маматовага, учинчи ўрин эса 1-курс талабаси Маъмура Аҳадоваларга насиб этди. Уларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

— Ғолиблик нашидасини ҳис қилиш ўзгача кайфият бағишлайди, — дейди беллашув ғолибаси Нилуфар Давирова. — Болалигимдан шахматга жуда қизиқаман. Ақлни чархловчи бу ўйин ҳаётда ҳам жуда кўп асқотади. Бежизга шахматни "ақл гимнастикаси" деб аташмайди. Келгусида бундан-да юқори натижаларни эгаллаш ниятидаман.

Наргиза КАРИМОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"REAL AUKSION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдоларига: Чилонзор тумани СИБ томонидан: 2015 йил 12 январдаги 13-421/14-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сақланаётган: 1. Бошланғич баҳоси – 46 939 500 сўм, 2003 йилда и/ч., дав/рақ: 01P706LA бўлган, "Мерседес бенц 320" русумли; 2. Бошланғич баҳоси – 84 645 000 сўм, 2008 йилда и/ч., дав/рақ: 01N202GA бўлган, "Лексус IS250" русумли ва 2013 йил 14 мартдаги 2128-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, "Spase Arsenal Servis" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: Бошланғич баҳоси – 16 031 925 сўм, 2004 йилда и/ч., дав/рақ: 01/054MCA бўлган, "Дамас" русумли автотранспорт воситалари тақроран савдога қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2016 йил 23 февраль куни соат 11:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача), аукцион бошланишидан бир кун олдин (Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 23 февраль куни ўтказиладиган савдоларига 2016 йил 19 февраль соат 16.00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "REAL AUKSION" МЧЖнинг АИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000104996600001, МФО: 01101, ИНН: 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел: 254-69-13. **Гувоҳнома № 006795.**

"KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент Минтақавий филиалида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига ТИФ "Миллий банк" Тошкент вилоят бўлимининг 2016 йил 4 февралдаги МР-11/716-буюртманомасига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Кўксарой ҚФЙ, Шифобахш сувлар кўчаси манзилида жойлашган икки қаватли маросимлар ўтказиш ва умумий овқатланиш мажмуасига мўлжалланган, қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотлар қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 425 000 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2016 йил 14 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 11 март куни соат 18:00.

Юқоридаги кўчмас мулк 2016 йил 14 март куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2016 йил 22, 29 март кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 22 мартдаги савдо учун 18 март куни, 29 мартдаги савдо учун 25 март куни соат 18:00.

Савдо ғолибига 5 календарь кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш ҳамда шартнома тузилгандан кейин 10 календарь куни ичида мулк учун тўловларни тўлиқ бажариши мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулклар учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон филиалидаги 2020 8000 4049 2060 9021, МФО 01036, СТИР 207122519 х.р.га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-"А" уй. Тел./факс: (0-371) 228-78-96. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.

Акциядорлик тижорат "Халқ Банки" Тошкент шаҳар филиали банкнинг **Миробод, Шайхонтоҳур, Мирзо Улуғбек** ва **Чилонзор филиалларига** қарашли банк биноларини **қурилиш ва қайта таъмирлаш** ишларини амалга ошириш учун лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича махсус лицензияга эга бўлган корхоналар ўртасида тендер танловини эълон қилади. Қурилиш ва қайта таъмирлаш ишлар бўйича тузилган нуқсонлик далолатномалари билан танишиш учун қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин:

- Миробод филиали — Нукус кўчаси, 2-уй тел. (71) 252-55-17, (90) 979-00-26
- Шайхонтоҳур филиали — Хадра мавзеси, 14-уй тел. (71) 244-41-24, (90) 999-74-53
- Мирзо Улуғбек филиали — Ҳ.Олимжон майдони, 13А-уй (71) 237-12-02, (90) 999-75-09
- Чилонзор филиали — Лабиҳовуз кўчаси, 1Б-уй (71) 253-87-06, (90) 999-75-60

Оферт очилиш муддати танлов газетада эълон қилинган кундан бошлаб 15 кундан сўнг. Тендер танлови учун тижорат таклифлари қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 9-Б уй. Почта манзили 100070

Маълумот учун телефонлар (71) 281-41-20, (71) 281-42-85

Хизматлар лицензияланган.

"101"

КЎНГИЛСИЗ ҲОДИСАЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛАЙЛИК!

Халқ хўжалиги масканларида ёнғин ўчиришнинг механизациялашган ва автоматлашган тизимлари ҳамда ёнғин ўчириш мосламалари тобора кенг қўлланилмоқда.

Лекин ёнғин чиқишининг олдини олишда асосий масъулият аҳоли зиммасига тушиши, уларнинг ёнғин хавфсизлиги талаб ва қоидаларига риоя қилишларига боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз лозим. Шу сабабдан халқ хўжалиги объектларида бу тадбирлар тартибли равишда, кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти тартиби ҳақидаги низом, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, йўриқнома ва бошқа ҳужжатлар асосида тушунтириш ва давра суҳбатлари олиб борилмоқда. Республикамизнинг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мулкини кўз қорачиғидай сақлаши ва асраб-авайлаши, уни бойитиши ҳақида қайғуриши муҳим аҳамиятга эга.

Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ ходимлари қуйидаги ёнғинга қарши чораларга амал қилиш лозимлигини эслатиб ўтади:

– Иситиш печларидан сурункали ва тинимсиз фойдаланиш, уларни ёқилган ҳолда қаровсиз қолдириб кетиш ман этилади.

– Ёқилган иситиш печлари устида, теварак атрофида кийимларни қуритиш, ўчиб қолган оловни ўт олдиришда бензин, керосин, ацетон ва шунга ўхшаш енгил ёнувчи суюқлик ишлатиш ҳамда ёниб турган иситиш печларини тузатиш тақиқланади.

Агарда ёнғин аломати сезилса, аввало, болаларни хавфсиз жойга чиқариб, дарҳол "101" телефон рақами орқали ёнғин хавфсизлиги ходимларига қўнғироқ қилинг.

Юқорида қайд этилган қоида талабларининг нақадар муҳимлигини, уларга риоя қилиш осойишта ҳаётимизнинг гарови эканлигини унутманг.

Зокир ҒОВУРОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ 28-ҲЁХҚ кичик инспектори, сержант

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2016 йил 14 мартида ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат объектларини сотиб олишга таклиф этади!

Объектларни сотиб олиш шартлари қуйидагича:
— энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
— ушбу "Объектлар" учун энг юқори қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;
— янги иш ўринлари ташкил этиш;
— харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларга (кўпи билан 1 йил муддат ичида) амалга ошириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:
— сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 15 % дан кам бўлмаган гаров суммаси;
— таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3 соат қолганда тўхтатилади.

Музокаралар 2016 йил 14 март куни соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-"А" уй манзилида ўтказилади.

Ушбу куни савдолар бўлмаган тақдирда 28 март, 11, 25 апрель, 9, 23 май ва 6, 20 июнь кунлари соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-"А" уй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-35-08, 233-74-72.

Оммавий оферта савдоларига чиқарилган давлат кўчмас мулк объектлари рўйхати

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сақловчи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўмда)	Инвестиция мажбурияти (млн.сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	2 қаватли савдо дўкони бино-иншооти	2219	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ибн Сино мавзеси, 2-уй	Бинолардан фойдаланиш департаменти	10.05.2013 № 273	2 846 746 221	– энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; – қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; – янги иш ўринларини ташкил этиш; – харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичида)	
2	Ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари	8226,25	Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Жанубий саноат ҳудуди	Бинолардан фойдаланиш департаменти	28.04.2015 ПП-2340	10 224 190 903		
3	Қурилиши тугалланмаган собиқ мактабгача таълим муассасаси бино-иншоотлари	1851	Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, "Сувчи" даҳаси, Роҳат кўчаси, Истиқбол маҳалласи	Тошкент шаҳар Бектемир туман ҳокимлиги "Бектемир-Инвест" ДУК	28.04.2015 ПП-2340	1 021 200 000		

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сақловчи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўмда)	Инвестиция мажбурияти (млн.сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Кўп қаватли турар-жой биносининг қисми	53	Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 3-уй	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти	02.03.2015 № 39	202 045 811	– энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; – қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; – янги иш ўринларини ташкил этиш; – харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичида)	
2	Маъмурий бино-иншоот	1459	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Жомий кўчаси, 5-уй	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти	02.03.2015 № 39	2 650 333 962		

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сақловчи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўмда)	Инвестиция мажбурияти (млн.сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Профилакторий ва қоровулхона бино-иншооти	1778	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги Олмазор (М.Мирпўлатова) кўчаси, 51-уй	"ONIKS" АЖ	04.04.2013 № 83	2 744 107 700	– энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; – қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; – янги иш ўринларини ташкил этиш; – харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (кўпи билан 1 йил муддат ичида)	
2	"Ошхона" бино ва иншооти	3420	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги Олмазор (М.Мирпўлатова) кўчаси, 51-уй	"ONIKS" АЖ	04.04.2013 № 83	3 005 796 996		
3	"Марҳамат" кафеси бино-иншооти	422	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги Олмазор (М.Мирпўлатова) кўчаси, 51-уй	"ONIKS" АЖ	04.04.2013 № 83	353 440 291		
4	"Хрустал" кафеси бино-иншооти	168	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги Олмазор (М.Мирпўлатова) кўчаси, 51-уй	"ONIKS" АЖ	04.04.2013 № 83	141 870 661		

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **10 февраль** куни ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан қор ёғади. Гарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 1-3 даража совуқ, кундузи — 0-2 даража совуқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **10 февраль** ва **11 февраль** эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9227

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 255

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13042 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 15.20

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ